

## “Энг гуллаган ёшлиқ чоғимда”

Жорий йилнинг 15 ноябрь куни В-бино 208-ўқув хонасида ҚҲМ факультетининг 35 нафар талаба қизлари ўртасида “Энг гуллаган ёшлиқ чоғимда” мавзусида тадбир ташкил қилинди. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси шоира М.Улуғова, ҚҲМ кафедраси профессори М.Шоумарова, ТвА кафедраси в.в доценти Н.Холикова, “Тиллар” кафедраси ўқитувчиси М.Турдиева иштирок этишди. Тадбирда улар “Биз ота-оналар, профессор-ўқитувчиларнинг асосий мақсади ёшларимизни тартиб қоидаларга риоя қиласиган, катталарга ҳурмат, аждодлар хотирасига эҳтиром, кексаларни улуғлаш руҳида тарбиялаш, ёшларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлиб этишишини таъминлашдан иборат. Шунингдек, ёшларнинг илм даргоҳларида ўз маданияти, ақл-заковати, юриш-туриши, қандай хислатларга эга эканлиги оилада олган тарбиясининг ифодасидир. Дарҳақиқат, Таълим тизими эса ана шу фазилатлар такомилига кўмак беради” - деб мулоҳазалар билдиришди.



Эътиборли жиҳати шундаки, шоира М.Улуғова ўз сўзида “Ёшларни китоб ўқишга, бебаҳо ёзма манбаларда тарғиб этилган билим ва кўнижмаларни мукаммал эгаллашга, бу бебаҳо ёзма манбаларда халқимиз маънавиятининг энг сара намуналари ўз ифодасини топган, ҳамюртларимизнинг орзу-умидлари, интилишлари, ғам-ғуссалари, ўзбекларнинг узоқ ва шонли тарихи баён этилган бадиий асарларни қадрлаш, тенгдошлари ва аҳоли ўртасида тарғиботини йўлга қўйиш, китобнинг таълим-тарбия тизимидағи ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ўрнини белгилашга яқиндан ёрдам беришига” алоҳида урғу бериб ўтди.

**Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**